

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви 8

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Д.КОМИЛОВА

Барг ўровчи құнғызлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача үрганилиш босқичлари 12

М.АҲМАДАЛИЕВ

Дифурфурилиденацитоннинг олигомерланиши.-I. 15

М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖҮРӘЕВ

Қовушқоқликни оширувчи құндирмалар олиш 20

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.МАХМУДОВ

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адиrlарида интродукция қилиш 24

М.ҒОЗИЕВ

Беда остига солинган ҳар хил органо-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири 27

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари 30

О.ТЎЙЧИЕВА

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари 33

Қ.ЮСУПОВ

Сурутанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги 36

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги 40

Б.ТЎЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни 45

Н.ПУЛАТОВА

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари 49

Ф.ЮЛДАШЕВ

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари 52

Н.РАҲИМБАБАЕВА

Донишманлар масъулият ҳисси ҳақида 55

М.ЭРГАШЕВА

Совет ҳокимиияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.АБДУРАҲМОНОВ

Қуёш образи ва унинг поэтик функцияси 63

ТИЛШУНОСЛИК

С.ҚУРБОНОВА

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир 66

УДК: 10+17/171

ФАЛСАФАДА ЭТИКА ФАНИНИНГ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ф.Юлдашев

Аннотация

Ушбу мақолада этика фанининг бугунги кундаги аҳамияти, ахлоқ фалсафасининг инсон ҳаётидаги ўрни, жамиятда ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш масалалари ёритилган.

Аннотация

В статье освещаются вопросы знания предмета этики на сегодняшний день, роль философии нравственности в жизни человека, воспитания нравственных качеств у молодёжи.

Annotation

In this article issues on current importance of ethics, role of moral philosophy in human life and moral education of youth in society are written.

Таянч сўз ва иборалар: этика, ахлоқ, миллий тафаккур, ахлоқий қадрият, ватанпарварлик, эстетик маданият, ахлоқий муҳит, хушхулклилик, маънавий фазилатлар, соғлом турмуш тарзи.

Ключевые слова и выражения: этика, мораль, национальное сознание, моральные ценности, патриотизм, эстетическая культура, нравственная атмосфера, хорошее поведение, духовные качества, здоровый образ жизни.

Key words and expressions: ethics, morals, national thought, moral tradition, patriotism, aesthetic culture, moral environment, adab, humanity, cultural virtues, healthy life style.

Этика фани фалсафий фанларни ўзлаштирувчи мамлакатимиз талаба ёшларини ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда дунёнинг айrim ҳудудларида ахлоққа зид бўлган ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Глобаллашган XXI асрда ёшларни ахлоқимизга зид бўлган иллатлардан ҳимоя қилиш долзарб вазифадир. Гўзал ахлоқ ва одоб билан белгиланган маънавий фазилатлар инсонлар ўртасидаги барча муносабатларга сингиб кетганидан кейингина чинакам ахлоқий аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ахлоқий қадриятлар барча даврларда инсоннинг маънавий камолоти, жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилиб, мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал этиш имконияти инсон шахсини тарбиялаш ёрдамида яратилган.

Учинчи минг йилларга келиб, инсоният цивилизацияси умумбашарий миқёсга эга бўлган кўплаб муаммолар билан тўқнашиши кузатилмоқда. Булар қаторига Ер юзида тинчликни асрраб қолиш ва термоядро уруши хавфининг опдини олиш, экологик ҳалокат, демографик муаммолар ва инсоният ҳаёти учун зарур бўлган ичимлик суви, озиқ-овқат,

энергия ресурсларининг тақчиллиги муаммоси, наркотрафик ва қурол савдоси, диний ақидапарастлик ҳамда бевосита шуларга боғлиқ ҳалқаро терроризм ва экстремизмнинг таҳди, алкоголизм, гиёҳвандлик, одам савдоси кабилар киради. Уларнинг ҳал этилиши, охир-оқибат айнан шахс маънавиятини юксалтириш, ахлоқий жиҳатдан камол топтиришга йўналтирилган ўта мураккаб бўлган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ эканлиги тобора аниқ бўлиб бормоқда.

Ижтимоий-фалсафий фикр тарихида цивилизация ривожланиб боргани сари, унинг рационал имкониятлари, маънавий-маърифий салоҳияти ўз-ўзидан тараққий этиб боради, деган нотўғри тасаввур мавжуд эди. XXI асрга келиб, технократик жамиятнинг барпо этилиши ҳамда инсоннинг маънавий камолоти ўртасида маълум бир узилишнинг юзага келганлиги юкоридаги фикрнинг хато эканлигини исботлади. Шунинг учун ҳам, таълим жараёнини тарбиядан ажратиб бўлмаслиги, тарбия ёрдамида ёшларга олган билимларини зэгулик йўлида кўллашни ўргатиш нафақат ахлоқ фалсафасининг, балки ҳар бир фан тармогининг бош вазифасига айланиши кераклиги ҳаётий заруриятга айланди. Инсон ҳаётида ахлоқизлизикнинг кучайиши натижасида жамиятдаги моддий ва маънавий ҳаётнинг уйғунлиги издан чиқади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради.

Ф.Юлдашев – ФарДУ фалсафа кафедраси ўқитувчisi.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида курган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади” [1.69] деган фикрлари айни ҳақиқатдир. Башарият тараққиётининг ҳозирги даврида юзага келаётган глобал муаммоларнинг ҳал этилиши кўп жихатдан ахлоқий муносабатларга, эзгулик йўлидаги саъй-ҳаракатларга боғлиқ бўлади. Бугунги кунда айнан этика фани ёшларни эркин фалсафий фикр юрита оладиган баркамол инсонлар этиб тарбиялашга, фуқаролик жамиятини куришнинг фаол иштирокчиларига айлантиришга, уларни турли шакллардаги ташвиқотларга, фанатизм, ақидапарастлик, экстремизм, сабрсизликка қаршилик кўрсатишга, ҳозирги дунёнинг турли таҳдидларига, айниқса, ахлоқ соҳасидаги таҳдидларга қарши туришга, жамият ва башариятнинг барқарор ривожланиши учун масъуллигини англашга хизмат қиласди. Таъқидлаш жоизки, этика-ахлоқ фанлари асосида республика ёшларининг онги ва тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг ён атрофдаги воқеаларга нисбатан дахлдорлиги, фуқаролик ва сиёсий фаоллигини кучайтириш, қолаверса, уларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш натижасида уларнинг ахлоқан етук, баркамол бўлиб шаклланишлари билан бирга жамият ҳаётини маънавий жихатдан соғломлаштиришга имкон яратилади. Бу билан этика фани доирасида чукур илмий асосланган назарий манбаларга асосланиб, замонавий ёндашувлар асосида ўқитишни ва амалий жихатдан педагогик-технологик масалаларни долзарблаштиради.

Жамият аъзолари, айниқса, ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва мафкуравий иммунитетини кучайтиришда фалсафий меросни ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Ана шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг жуда кўп чиқишларида, берган интервьюларида, хусусан, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида нафақат милллий фалсафий меросимизни, балки умуминсоний фалсафий қадриятларни ҳам чуқур ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган [2.22].

Фалсафада этика фанини ўқитишдан маңсад биринчи навбатда ахлоқ ҳақидаги қарашлар тарихини ва бой маңнавий меросни ўрганиш асосида замонавий одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амал қилишнинг ижтимоий, маңнавий аҳамиятини ўрганишдан

иборат. Ёшларнинг уммуммаданий савиасини юксалтиришга ҳисса қўшиш, комиллик сари интилиб яшаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда кенг халқ оммасини мънавий юксак, ахлоқан етук қилиб тарбиялаш эстетик маданиятни такомиллаштириш жараёнида талабаларда дунёни эстетик идрок қилиш, гўзаллик ва хунуқлик, улуғворлик ва тубанликни фарқлай олиш ҳамда юксак эстетик дид талабларига мос ҳаёт фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган илмий асослар мустаҳкамланади. Бундан ташқари, фалсафий фанлар доираси асосида этика фанини ўқитиш жараёнида қўйидаги вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- ахлоқнинг миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини таҳлил этиш, замонавий ахлоқий меъёрларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

- замонавий этика муаммоларининг инсон умри билан боғлиқ эканлигини асослаш ва инсоннинг ўз умрига, хатти-харакатига масъулиятини ошириш малакаларини ўргатиш, ички ва ташқи гўзаллик уйғунлигини таъминлаш ва бу орқали талабаларда ахлоқий-эстетик маданиятни такомиллаштириш;

– талабаларни умумисоний қадриятларга содиқлик, халқнинг маънавий меросини мустаҳкамлашга, эъзозлашга ўргатиш;

– ахлоқий қадриятлар ҳисобланған ватанпарварлық, инсонпарварлық түйуларини талабалар онгига сингдириш, санъет асарларидаги инсонпарварлық ғояларни идрок қилиш;

- ахлоқый қадриятлар, шу жумладан, имон, инсоф, ҳалоллик, мәхр-муруватлилік, раҳм-шафқатлилік, оқибатлилік, андишалилік, шарм-ҳаё, дүстлик кабиларни талабалар онгига сингдириш;

- ахлоқ ва нафосатнинг мазмун-моҳияти, асосий тушунчаларининг мазмунини янада теран ва чуқур мантиқий мушоҳада қилиш учун зарур бўлган назарий ҳамда услубий ёндашувларнинг эгаллашига эришишда кўмаклашиш.

Ахлоқ ва одоб нормалари ижтимоий муносабатлар, таълим-тарбия асосида шаклланади. Этика фани ўз моҳиятига кўра инсонни сийратан баҳолайди, унга мана бу фазилат, бу эса иллат, деб инсоннинг мавжуд хислатларини таҳлил қилиб кўрсатади. Фанни ўрганиш давомида талабаларга жамият ва инсонлараро муносабатларда ахлоқий мезонларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунча, билим ва кўнкимларни бериш, умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар, анъана, мезон ва нормаларга мос

келувчи ахлоқни шакллантириш ахлоқ илмининг бош вазифаси эканлигини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Энг асосийси, инсон ҳаётида глобал этосфера (ахлоқий мұхит) ни яратиш заруратига эътибор қаратиш керак.

Шахсда ахлоқий тафаккурни шакллантириш этика фанининг вазифасини ташкил этади. Этика фани ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. Ахлоқий тарбия натижасида одоблилик – хушхулқиликка, хушхулқилик – юксак ахлоқийликка айлангани каби, ахлоқий тарбия йўлга қўйилмаган жойда муайян шахс, вақти келиб, одобсизликдан – бадхулқиликка, бадхулқиликдан – ахлоқиззикка ўтиб, маънавий ҳаётнинг бузилиши кузатилади. Ахлоқ фалсафаси ахлоқ, одоб, хулқ каби уч ахлоқий ҳодисани бир-бири билан узвийлика ва нисбийлика ўрганади. Ана шу уч ахлоқий ҳодисанинг умумлашмаси барча одамлар учун бирдек тааллуқли ҳисобланган, ижтимоий талаблар ҳамда эҳтиёжларнинг муносабатлар шаклидаги кўринишидан иборат бўлган, инсонга берилган ихтиёр эркинлигининг хатти-ҳаракатлар жараённада ички иродада кучи томонидан оқилона чекланишини тақозо этувчи маънавий ҳодиса – ахлоқ ҳисобланади. Файласуф олим Эркин Юсупов таъкидлаганидек, «Умуман, ахлоқ ижтимоий муносабатлар заминида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулокот ва муносабатларда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлишидир» [3.38]. Ахлоқ фалсафаси педагогика билан чамбарчас алоқада бўлиб, шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насиҳатларсиз, одобнома дарсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис Ахлоқ фалсафаси ўзининг назарий ва амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобланади. Зоро, маориф тизимидағи таълим-тарбия ўзини ҳар бир қадамда ахлоқий тарбия сифатида намоён қиласди. Шу мақсадда этика фанларини ўтара маҳсус таълим бўғинида, хусусан академик лицей ва коллежларда ҳам ўқитиш

зарурлигини таъкидлаш лозим. Жамият тараққиётида этика фанининг долзарб муаммоларини назарий тадқиқ этиш юзасидан таълим муассасалари талабаларини республиканинг етакчи театр, санъат музейлари илмий ходимлари ҳамда етук олим ва ёзувчилар билан турли учрашувлар ўюнтириш ва буни оммалаштириш лозим ҳисобланади. Мана шундагина таълим жараёнини унинг узвий қисми бўлган тарбиядан ажратиб бўлмаслиги, тарбия йўли билан ёшларга олган билимларини зэгулик йўлида қўллашни ўргатиш, нафақат ахлоқ фалсафасининг, балки ҳар бир фан тармоғининг бош вазифасига айланishi кераклиги ҳаётий заруриятга айланади.

Ўзбекистоннинг келажаги, унинг истиқболи, биринчи навбатда, ёшлар тарбиясига, уларни соғлом қилиб ўстиришга, миллый ғоя, миллый мағкура ва ўз Ватанига садоқат руҳида тарбиялашга боғлиқ бўлиб, бу мураккаб жараённи мудаффақиятли амалга ошириш мустақил мамлакатнинг стратегик вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг, “Мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодларимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз керак”, деб таъкидлагани бежиз эмас. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ёшларнинг таълим-тарбияси мустақил Узбекистоннинг давлат сиёсатида алоҳида ўрин эгаллади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик исплоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш баркамол авлодни шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Бу масалаларни ҳал этишнинг муҳим шартларидан бири – ёшларни юксак маънавият руҳида тарбиялаш, уларнинг соғлом турмуш тарзи, мустақил ва ижодий фикр юритиш қобилиятига эга бўлишини таъминлашdir.

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
- Каримов И.А. Миллый истиқбол мағкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Асарлар тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
- Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998.

(Тақризчи: Т. Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).